Ангиогипотоник церебрал, мураккаб ва ишемик церебрал кризлар деярли бир хил даволанади. Биринчи ўринда натрий нитропруссид томирга жуда секин юборилиб, сўнгра бета-блокаторлардан бирини (пропранолол, атенолол, бисопролол) таблеткасини қўллаш мумкин. Бундан ташқари, нитроглицерин суюқлиги эса томирга юборилади, 50 мг гипотиазид таблеткаси ичирилади. Шунингдек, 1 фоизли - 5,0 мл дибазол, 2 фоизли - 2,0 мл папаверин гидрохлорид ёки 2,5 фоизли - 1,0 мл аминазин 5 фоизли - 100,0 мл глюкозага эритилиб, 1 дақиқада 15-20 томчилаб томирга юбориш лозим. 25 фоизли 10,0 мг магний сульфат томирга, 2,4 фоизли - 10,0 мг эуфиллин, 200 мг актовегин ёки 20 мг винпроцетин (кавинтон) 5 фоизли 10,0 мл глюкозада ёки физиологик эритмада томирга юборилади. 0,1 фоизли - 1,0 мл клонидин ёки 2,5-5 мг доперидол эритмасини томирга секинлик билан юбориш мумкин.

Тарқалган (генерализован) гипертония кризиде 50 мг натрий нитропруссидни 200 мл 5 фоизли глюкоза эритмасини (6-18 томчи 1 дақиқада) ёки 4 мл 1 фоизли нитроглицерин суюқлигини 200 мл 5 фоизли глюкоза эритмасида томирга юборилади. 0,3-1,0 мл пентаметазин 5 фоизли эритмаси мушак орасига, шунингдек, 1 фоизли - 5,0 мл дибазол ёки 1 фоизли 4,0 - 6,0 мл фуросемид томирга юборилади. Ушбу дориларни қўллаш билан биргаликда симпатоматик даволаш ишларини олиб бориш зарур. Қон босими пасайгандан кейин гипертонияга хос дори-дармонларни давом эттириш лозим.

**Вақтида гипертония касаллиги бўйича шифокорга мурожаат қилсангиз, гипертония кризи ҳолатларининг олдини олган бўласиз.**

**Ҳ. ШАРАПОВ,**  
Тошкент педиатрия тиббиёт институти госпитал терапия кафедраси профессори.  
**Ш. МУҲИДОВ,**  
Тошкент педиатрия тиббиёт институти магистранти.

# ГИПЕРТОНИЯ КРИЗИНИ ДАВОЛАШ

А. Мясников ҳамда Н. Ратнер куйидаги таснифларни тақлиф этишган:

- I тип - адреналинли;
- II тип - норадреналинли гипертония кризлари.

1977 йилда М. Кушаковский гипертоник кризни 3 турга бўлган:

- нейровегетатив;
- ишемияли;
- туғанокли.

1980 йилда А. Голиков бу таснифни эса:

- гиперкинетик;
- гипокинетик;
- зухинетик гипертоник кризларга ажратган.

Кейинги йиллардаги маълумотларига қараганда, гипертония кризининг 5 хил тури аниқланган:

- гипертензив кардиал;
- ангиогипотоник церебрал;
- ишемик церебрал;
- мураккаб церебрал;
- тарқалган (генерализован) томирли кризлар.

Тошкентдаги 17-шаҳар клиник шифохонасида кузатув ишларини олиб борганимизда, гипертония кризларида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

Гипертензив кардиал кризи билан даволанаётганларда қон босими 200-210/110-115 мм. симоб устунига тенг бўлиб, беморлар асосан, юрак соҳасидаги оғриқ, кўрқув ва ҳарсиллашдан шикаст қилишди.

Ангиогипотоник церебрал

ча артериал қон босими 240/135,5 мм симоб устунига тенг. Беморларда гипертоник энцефалопатия, оғир ретинопатия, тиришишлар ва нутқ бузилиши каби ҳолатлар юзага келган.

Гипертония кризига учраган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш режаси қуйидагилардан иборат:

- артериал қон босимини ҳар 15-30 дақиқада ўлчаш;
- 12 улашда электрокардиограмма қилиш;
- қоннинг умумий ва биохимиявий таҳлили;
- офтальмоскопия;
- невропатолог текшируви;
- реоэнцефалография ва миёда гемодинамик ўзгариш хилини аниқлаш.

Гипертония кризини бошқа юқори қон босим билан кечадиган касалликлардан қиёсий ташхис қилиш керак.

Гипертония кризини эс-ҳўш йўқотилиши ва бош мия қон айланшининг ўткир бузилиш тури (ишемик ёки геморагик) билан фарқлаш зарур. Бундай ҳолатларда компьютер томография қилиш мумкин.

Субарахноидал қон қуюлишини аниқлаш учун орқа мия суяқлигини лабораторияда текшириб кўриш лозим.

Гипертония кризини эпилепсия, бош мия ўсмалари, феохромоцитомадан фарқлаш керак.

нишининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Асоратланмаган гипертония кризиде каптоприл 25 мг таблеткаси, нифедипин 20 мг ва 20 мг пропранолол (анапрелин) тил тагига қўйилса, ёрдам беради.

Ушбу таблеткалар ёрдам бермаса, 1 фоизли - 5 мл дибазол, 25 фоизли 10 мл магний сульфат эритмаси ёки 0,01 фоизли - 1 мл клонидини 0,9 фоизли 200 мл физиологик эритмада аралаштириб ёки қон босими банд бўлса, 50 мг. нитропруссид натрийни 200 мл. 5 фоизли глюкоза эритмасига қўшиб, жуда секинлик билан 15 мг/мин тезлигида (босимни тақдор ўлчаб) томирга юборилади. Шунингдек, 40 мг фуросемид таблеткаси ичишга берилади.

Гипертония кризининг гипертензив кардиал хилида асоратланган ва асоратланмаганигини ҳисобга олиб, даво чора-тадбирлари белгиланади. Юрак соҳасида оғриқ бўлганда, эналаприлат 0,625-1,125 мг 5 дақиқа давомида, нитроглицерин суюқлиги, қон босими тушмасан нитропруссид натрий юқориде кўрсатилган

## ДАСТУР ИЖРОСИГА БАФИШЛАБ


Шу йилнинг 20 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир гуруҳ мутасадди раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурининг соғлиқни сақлаш тизимидаги ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда бевосита Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров иштирок этиб, иштирокчиларга "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурида кўрсатиб ўтилган вазифалар бўйича ақсарият ишлар бажарилганини, жумладан, Республика-миз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган фаолиятлар, ян-гидан бунёд этилган ва қайта таъмирланган замонавий тиббиёт муассасалари ва уларнинг янги технологиялар билан жи-ҳозланганлиги ҳамда малакали мутахассислар томонидан

аҳолига кўрсатилган сифатли тиббий хизмат даражасининг ошганлиги, шунингдек, ушбу йилда ҳомийлар ҳиммати ҳам катта бўлганлигини алоҳида эътироф этди.

Тадбир давомида журналистлар тиббиёт ислохотларини ри-вожлантиришга қаратилган савол-лари билан вазирликнинг мута-садди раҳбарларига мурожаат қилишиб, керакли маълумотларга эга бўлдилар. Матбуот анжумани-нинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, дастур ижросини таъ-минлаш бўйича қилинган асосий

борилганлиги билан характерли-дир. Чунки, тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш ва уларга



ишлар оммавий ахборот восита-ларида доимий равишда ёритиб

ҳам асосий эътиборида эканли-ги барчамизни қувонтираётган-лиги журналистлар томонидан ай-тиб ўтилди. Шундан сўнг, ва-зирликнинг мутасадди раҳбар-лари 2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан қили-ниши лозим бўлган асосий ва-зифалар ва дастурий режалари ху-сусида ҳам гапириб ўтдилар.

Демак, тиббиёт тизимига қаратилган тадбирларнинг ман-тикий давоми сифатида "Ижти-моий ҳимоя йили"нинг жорий этилиши, том маънода, бу ис-лохотларнинг кенг ва узлуқсиз давом этишини белгиллаб бера-ди. Чунки, бош мақсад - аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш, жа-миятда эзгулик, меҳр-муруват ва ҳамжихатлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустах-камлашга қаратилган экан, бу йилда ҳеч биримиз фаолиятлар-дан четда қолмаслигини ке-раклигини бугун вақт кўрсатиб турибди.

Ибодат СОАТОВА.



Ўзбекистон  
Республикаси



Халқаро тараққиёт  
уюшмаси



Осиё тараққиёт  
банки



Озиқланишни Яхшилаш  
Глобал Альянси

2006 й  
№ 10

## «Саломатлик – 2»

# «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»

«Women and Child Health Development,  
and «National flour fortification program» Projects

Проекты «Здоровье – 2»

«Укрепление здоровья женщины и детей»

и «Национальная программа по фортификации муки»



Тошкент шаҳри

## ФАОЛИЯТЛАР БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

«Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасидаги фаолиятлар Республика вилоятлари тиббиёт тизимининг бирламчи бўлинида жадаллик билан олиб борилаётганлиги ҳеч биримизга сир бўлмас керак. Ҳар қандай вазиятда ҳам инсон соғлиги учун муҳим бўлган фаолиятлар тўхтаб қолмаслиги ва мақсадли режалар асосида амалга оширилиши айтишнинг талабига айланб бормоқда. Шундай экан, мазкур лойиҳа доирасидаги ишлар ўз натижасини бераётганлиги сабаб, лойиҳанинг таъбиқ даражаси айнан қишлоқ врачлик пунктларида эмас, балки шаҳар оилавий поликлиникалари фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. 2006 йилдан эътиборан, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли оилавий поликлиника-

ларда лойиҳанинг жорий этилиши бошлаб юборилди. Айтиш керакки, мазкур бошқармага қарашли Яққасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги оилавий поликлиникаларда дастурий режалар асосида ишлар олиб борилаётганлиги. Лекин ушбу лойиҳани оилавий поликлиникаларда таъбиқ қилиш жараёнида мутахассис раҳбарлар ҳамда мутахассислар ҳамкорлигида бир неча бор семинар, дара суҳбатлари ва баҳс-мунозаралар ташкил этилди. Кунинг таърифи ҳодимлари таърифи сифатида олинган Яққасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли 23, 17 ва 19-оилавий поликлиникаларда бўлиб, амалдаги ишлар билан танишиб қайтдилар.

### ХУРМАТЛИ

### ЮРТДОШЛАР!

Мана, мустақилликка эришганимиздан сўнг тиббиёт соҳасида ҳам мақтаса арзигулик ишлар амалга оширилиб, улкан ютуқларга эришилди. Шаҳар ва қишлоқлардаги жаҳон андозаларига мос равишда қад ростлаган ва замонавий асбоб-ускуналар ҳамда тажрибали мутахассислар билан таъминланган тиббиёт муассасаларининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Биз ана шундай муваффақиятлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шу боис, Ватанимиз ва тиббиётимизнинг кейинги равнақи учун барчамиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

Муҳтарам касбдошлар! Сизларни кириб келаётган Янги 2007 йил байрами билан чин дилдан муборакбод этиб, келгуси ишларингизда омад ёр бўлишини, хонадонингиздан эса қут-барака аримаслигини тилаб қоламиз!

«Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюроси.

Жорий йилнинг 14 декабрь кўни Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюроси, USAID ва ЗдравПлюс/ ZdravPlus халқаро ташкилотлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори асосида йиғилиш бўлиб ўтди.



## МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ХУСУСИДА

Йиғилишни Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мирмуҳиддин Миралимов кириш сўзи билан очиб, Тошкент шаҳридаги айрим оилавий поликлиникаларнинг «Саломатлик-2» лойиҳаси дастурига таъриба асосида олинганлиги ва ушбу муассасаларда юқоридаги қарор бўйича қилинаётган ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Сўнгра, Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё тараққиёт банки лойиҳалари мутахассиси Ф. Фузайлов сўзга чиқиб, Тош-

кент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш бўйича, шунингдек, амбулатория ва поликлиникалардаги умумий амалиёт шифокорининг вазифаси ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизмати тўғрисида батафсил сўз юритди.

Яққасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори С. Исмоилов, Учтепа туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Н. Расулов,

ЗдравПлюс халқаро ташкилоти вакили З. Юлдашева, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини Тошкент шаҳрида амалга ошириш бюроси бош иқтисодчиси Е. Лемехова ва бошқа мутахассислар сўзга чиқиб, ушбу йўналиш бўйича жойларда, яъни ўз худудларидаги «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида таъриба қилиб олинган оилавий поликлиникаларда амалга оширилаётган ишлар, шу кунга қадар қандай ўзгаришлар рўй берганлиги хусусида ўз фикрларини билдиришди.

Тадбир давомида мазкур туманлардаги таъриба асосида олинган тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тор соҳа мутахассисларини умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш курсларида ўқитиш, ушбу оилавий поликлиникаларни молиялаштириш, аҳоли жон бошига тақсимлаш, уларга юридик мақом бериш, штатларни тўғри ташкил этиш ва бошқалар тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.



Узбекистон Республикаси  
Халқаро тарихий улоқлар  
ADB  
Олий тарихий ойна  
Саломатлик - 2  
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»  
ва «Унни бойитиш миллий дастури» пойиҳалари  
«Health - 2»  
«Women and Child Health Development»  
and «National Flour fortification program» Projects  
Проекти «Азорье - 2»  
«Укрепление здоровья женщин и детей»  
и «Национальная программа по фортификации муки»

Раъно АББОСОВА,  
Тошкент шаҳар, Яққасарой туман ҳудудий тиббиёт  
бирлашмасига қарашли 23-оилавий  
поликлиника бош шифокори.

— Анча йиллардан буён «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасида «Саломатлик-1 ва 2» пойиҳаси асосида олиб борилаётган фаолиятларни кузатиб, ижобий фикрларга эга бўлар эдим. Айниқса, дастур асосида малакасини ошираётган кадрлар, молиявий аҳвол ҳамда тиббиёт муассасаларига берилаётган замонавий технологияларнинг аҳамияти тўғрисидаги мақолаларни ўқиб, муассасамиз ҳам ана шундай дастур лойиҳасига қириниши бир неча бор кўнгилдан ўтказдим. Вақт — олий ҳакам, деганларидек, шифо масканимиз жорий йилдан бошлаб, «Саломатлик-2» лойиҳасига киритилди. Тўғриси айтганда, бу жараёнда фаолият бошлашимиз бир мунча қийин бўлди. Чунки, ҳудудимизда 42 минг 726 нафар аҳоли истиқомат қилади. Янги тизимни

лан фақат умумий амалиёт шифокорига мурожаат қилади. Шифокор ва ҳамширалар эса ўзларига бириктирилган оилаларга кириб бориб, уларнинг ижтимоий аҳоли, турмуш тарзи ва саломатлигини доимий назорат қилиб борадилар.

2000 йилдан ҳозирга қадар деярли ҳамма шифокорларимиз «Саломатлик-1 ва 2» лойиҳаси дастури асосида ўқиб, умумий амалиёт шифокори сертификатига эга бўлдилар. Лойиҳанинг моҳияти шундан иборатки, бирламчи тизимни шакллантириш, аҳоли тиббий саводхонлигини ошириш ҳамда тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган ишончни орттириш экан, бу борадаги тўб мақсад аҳоли орасида касал бўлмади, касалликнинг олдини олишга қаратилган асосий омиллар.

Кадрлар масаласига келадиган бўлсам, мутахассисларимиз ўз ишларига виждонан ва масъулиятан ёндошадилар. Улар

ушун поликлиникамизда керакли шариот ва имкониятлар мавжуд. Назоратда турган ва бошқа беморлар учун керакли дори-дармонлар етарли. Узимизнинг ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда болалар ва ўсмирлар, шунингдек, кам таъминланган ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган оилалар учун алоҳида кунлик стационар ташкил қилганмиз. Даволанувчилар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, керакли муолажаларни ўз вақтида оладилар. Шифокор ва ҳамшираларимиз ҳафтадан бир пайшанба кунга келиб, чаканликнинг ҳолатини кўриб, ногиронлик ҳолатини келиб чиқишидан ташвишланардим. Шу ўринда уларнинг ота-оналари билан ҳам мунтазам суҳбатлар ўтказиб, керакли маслаҳатларимни берар эдим.

Бахтни қарангки, «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича 10 ойлик ўқув курсига тақриф қилиндим. Ўқиш давомида турли цикллар бўйича ўтказилган турли хил касалликлар ўз вақтида даволанмаса, ундан хавфли асорат қолиб, ўсиб келаётган ёш авлод органида ноҳуш ҳолатлар юз бериб, ногиронлик ҳолатини келиб чиқишидан ташвишланардим. Шу ўринда уларнинг ота-оналари билан ҳам мунтазам суҳбатлар ўтказиб, керакли маслаҳатларимни берар эдим.

«Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар тақдим этилди. Қолган тиббий эсбоб-ускуналарнинг ҳам ақин орада олиб келиниши кутилмоқсиз. Улайманки, бундай ҳамкорликдаги фаолиятлар ўзининг самарасини беради.



тўғри йўлга қўйгунча кўпгина муаммоларга дуч келдик. Сабби, биринчи навбатда асосий эътибор аҳолининг тиббий хизмат ва ходимлар меҳнатига бўлган ишончини янада кучайтириш бўлса, иккинчидан, ҳар бир умумий амалиёт шифокори ва ҳамширасининг оилага кириб боришини тақомиллаштиришга қаратилди.

Поликлиникамизда 37 нафар шифокор, 94 нафар ҳамшира ва 23 нафар кичик тиббиёт ходими аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, лойиҳа дастурига кирмасдан олдин ҳам ишлар ўз маромида кетган, лекин умумий амалиёт шифокори деган мутахассислик мавжуд эмас эди. Эндиликда эса бундай мутахассисликнинг жорий қилиниши ҳар томонлама аҳоли учун қулайлик туғдирди. Демак, бу касб эгаларини тайёрлашнинг муҳим жиҳати шундаки, тор мутахассисликдан кенг кармовли соҳа йўналишига ўтилди. Айни кунда, бемор оила аъзолари би-

## Яққасарой тумани ТЕЗКОРЛИК ВА ШИДДАТ БИЛАН

Дилрабо ХОЖИМУРОВА,  
умумий амалиёт шифокори.

— Тошкент Педиатрия тиббиёт институтини тугатгач, болалар шифокори мутахассислигига эга бўлдим. Бир зумда фаолиятимга 12 йил тўлибди.

ган дарс машғулоти иш фаолиятимда катта мактаб валар шифокори мутахассислигига бўлмади. Умумий амалиёт шифокори сертификати



Шу давр мобайнида мазкур поликлиникада болалар шифокори бўлиб ишладим. Касбимга иштиёқим баланд бўлганлиги сабаб болалар соғлигини янада мустаҳкамлаш борасида мукамал иш олиб бордим. Чунки, болалар-

ни олгач, фаолиятимда катта ўзгариш рўй берди. Ва бир ярим минг аҳоли билан оилавий тарзда иш юрита бошладим. Эндиликда нафақат болалар, балки барча оила аъзолари соғлиқларини назорат қилиш менинг зиммамда. Ол-

муш тарзи қодаларига риоя қилиб, зарурат тугулган ҳолларда тезда бизга мурожаат қилишмоқда.

Кейинги пайтларда аҳоли орасида камқонлик, йод етishимовчилиги — бўқоқ, қон босимининг ошиши, юрак қон-томир касалликларининг борлиги ҳар бир мутахассисни ташвишлантириши табиий. Шунинг учун ҳамшираларимиз билан ҳафтанинг пайшанба ва чоршанба кунлари маҳалла ва таълим муассасаларида режа асосида йиғилишлар ўтказиб келмоқдамиз. Ўтказилган тақдирлар бўйича қўйилаётган натижалар ёмон эмас. Ҳозирги кунда болалар ва катталар орасида грипп касаллигининг кўп тарқалиши боис аҳоли орасида тушунтириш ишларини узлуқсиз равишда олиб бораёмиз.

Аҳоли соғлиғига бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида тимиссиз изланиш, чуқурроқ билимга эга бўлиш учун ҳудуддаги ҳар бир оилада яшаётганларни туғилганидан то умрининг охиригача бўлган соғлигини доимий назорат қилиб боришимиз муҳим, деб биламан. Ана шу жараёнда тиббиётнинг ўзига хослиги,

### ДИЛ ИЗҲОРИ

— Ўғлим Марат Магданов 12 ёшда. У дунёга келгандан сўнг, ушбу поликлиниканинг болалар шифокори Дилрабо Хожимуровага илк бор мурожаат қилиб келган эдим. У ёш бўлсада, талабчан, чаққон, ўз касбига бошқаларга нисбатан иштиёқим баланд эди. Марат бетоб бўлиб қолса, шифокор уйимизга келиб, унинг ҳолидан узлуқсиз хабар оларди. Биз Дилрабога шу қадар ўрганиб қолдикки, у бизга оила аъзосидек яқин эди. Оз фурсат ичида шифокоримиз умумий амалиёт шифокори бўлди. Мен бошида бу мутахас-

сислик моҳиятини чуқур англаб етмаган эканман. Дилрабо уша пайтларда фақат болаларимга қараган бўлса, эндиликда бутун оила аъзоларимизнинг шифокорига айланди. Ҳатто, опа-сингилларим ҳам тажрибали шифокорнинг малакасини борлигини эшитиб, унга мурожаат қиладиган бўлишди. Тиббиёт ходими учун ўқушнинг эрта-кечи йўқ экан. Асосийси, у оладиган малака бемор ҳаёти учун муҳим ҳисобланади. Поликлиника бош шифокоридан тортиб, барча ходимлар-

нинг муомала-маданияти, меҳрибонлиги, самимиюлиги ва билимдонлиги барчамизни қувонтирмоқда.

Шу ўринда биз аввало, ана шундай қалби пок шифокор ва ҳамшираларнинг малакасини ошириб, соғлиғимиз йўлида ҳолисона қайғураётган ҳукуматимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи ҳамда «Саломатлик-2» лойиҳасининг мутасадди раҳбарларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Гулсара СУЛТОНОВА,  
Тошкент шаҳри.

даги турли хил касалликлар эса халқ билан ишлаш давомида чуқурроқ англаб етганман. Мен билан ёнма-ён туриб, ишлаётган ҳамширалар меҳнатини ҳам эътироф этгим келади. Фаолиятларимизнинг такомиллашуви баробарида аҳоли орасида ҳар қандай касалликларнинг олди олиниб, салбий кўрсаткичлар деярли учрамайпти. Шу билан бир қаторда, ҳам аҳолининг тиббий саводхонлиги ошаётган, ҳам ўз соғлиқларига бўлган эътиборлари кучайиб бормоқда. Улар оилада соғлом тур-

дан ташқари, ҳар бир ҳамширанинг фаолияти ўзига хос мейврий даражага эга. Муолажа, эмлаш, физиотерапия ва бошқа йўналиш ҳамшираларининг иши улардан санитария ва гигиена, асептика ҳамда антисептика қодаларига риоя қилиниши талаб этади. Шу боис, ҳафтада икки марта ҳамширалар билан йиғилиш ўтказиб, фаолиятга доир муваффақиятлар, камчиликлар ва муаммолар ҳусусида келишиб оламиз.

Вақти-вақти билан ҳамшираларимиз малакасини ошириш мақ-

яни инсон ҳаёти учун энг керакли фан эканлиги яққол намоён бўлади.

«Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида поликлиникамиз фаолиятининг киритилиши ишлар янада тақомиллаштиришга олиб келса, мутахассисдан асосий талаб — тезкорлик ва шиддат билан ишлашни тақозо этмоқда. Шундай экан, жамоадагилар билан ҳамжиҳатликда иш олиб борсақини қўзланган мақсад ва режаларимизга эришишимиз шубҳасиз.

Мукамол ҚОДИРОВА,  
буш ҳамшира.

— Поликлиникамизда 94 нафар ҳамшира фаолият юритади. 35 йиллик фаолиятим давомида ҳамширалар иши нақадар масъулият тараф қилиниши жуда яхши биланман. Айниқса, улар аҳоли орасида юриб, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши, шунингдек, ўз йўналишлари бўйича керакли билимга эга бўлиши касб сир-синоатларини чуқурроқ ағалашда муҳим аҳамият касб этади. Улардаги чаққонлик, меҳрибонлик, ҳушмуомалалик беморлар дардини янада енгилаштиришда асосий ўрин тутади. Ун-

дан ташқари, ҳар бир ҳамширанинг фаолияти ўзига хос мейврий даражага эга. Муолажа, эмлаш, физиотерапия ва бошқа йўналиш ҳамшираларининг иши улардан санитария ва гигиена, асептика ҳамда антисептика қодаларига риоя қилиниши талаб этади. Шу боис, ҳафтада икки марта ҳамширалар билан йиғилиш ўтказиб, фаолиятга доир муваффақиятлар, камчиликлар ва муаммолар ҳусусида келишиб оламиз.

Вақти-вақти билан ҳамшираларимиз малакасини ошириш мақ-

садида тегишли тиббиёт муассасаларига юборамиз. Кўп йиллик тажрибага эга ҳамшираларимиз еттишиб келаётган ёш ҳамшираларга устозлик қилишди.

«Саломатлик-2» лойиҳасининг таъбиқ қилиниши ишларимизга бир мунча бўлсада, ўзгаришлар олиб кирмоқда. Ҳамширалар кўпроқ оилалар билан ишлашга мослашмоқда. Шунингдек, шифокор этиб келгунга қадар биринчи ёрдамни кўрсата олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу албатта, касбимиз ва фаолиятимизни янада чуқурлаштиришга имкон яратади.




Узбекистон Республикаси  
Халқаро тиббиёт университети  
Оқим тарбияланиш маркази  
Отавотташ Университети  
Global Alliance

2006 й  
№ 10

**«Саломатлик - 2»**  
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»**  
**ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**

«Health - 2»  
Women and Child Health Development,  
and National Flour fortification program. Projects  
Проекты «Здоровье - 2»  
«Укрепление здоровья женщин и детей»  
и «Национальная программа по fortification муки»



**Вазира ТўЛАГАНОВА,**  
Тошкент шаҳар Яққасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли 19-поликлиника умумий амалиёт шифокори.

– Йигирма йил болалар шифокори бўлиб ишладим. Фаолиятим давомида шифокор учун энг масъулиятли нарса унинг инсон саломатлигига бўлган эътибори ҳар бир мутахассис олдидаги асосий вазифа эканлигининг гувоҳи бўлдим.

Поликлиникамиз «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида иш олиб борар экан, умумий амалиёт шифокори олдида муҳим вазифалар ётганлигини амалиётда кўрсатмоқда. Поликлиника ҳудудида 23 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1475 нафар аҳолига хизмат қилиб келяпман. Лойиҳа доирасида 10 ойлик ўқув курсида ўқиб қайтган, фаолиятимда ўзига хос ўзгаришлар рўй берди. Ҳар бир оилага ўзининг шифокори сифатида кириб боряпмиз. Улар ўзларида кечаётган касалликлар, муаммолари саволлар ҳамда оиладаги айрим келишмовчиликлар ҳусусида бизга бемалол айта олиш им-

кониятига эга бўлмоқдалар. Оила шифокори йўналишининг мутахассисга берадиган асосий

## БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ОЛДИДА

кўникмаси шундан иборатки, бутун оила аъзоларини туғилганидан то умрининг охиригача бўлган вақт оралиғидаги соғлигини доимий назоратга олиб, оиладаги мавжуд касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш бўйича фаолиятда бўлади.

Демак, давр мутахассислардан ўзига хос меҳнат тажрибасини талаб қилаётган экан, бу албатта, халқимиз соғлигини муҳофиза қилиш йўлида одимланаётган муҳим вазифа ҳисобланиб, ҳар бир шифокор олдидаги бурч ва масъулиятни сидқиқидан баҳарлига ундайди.

саллиқлар ва оиладаги тушунмовчиликлар сабаб соғлиқларига эътибор бермай қўйдилар. Шунингдек, баъзи хотин-қизлар

ят кўрсатади. Муассасамизда оналар мактаби ташкил қилинган бўлиб, кенг доирада бўлажак оналар ва хотин-қизлар би-

**Дилбар ТўРАБЕКОВА,**  
Бобур маҳалласининг диний ва маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси, хотин-қизлар кенгашининг раиси.

– Ҳар бир фаолият кўпчилик асосида ва ҳамкорликда олиб борилса, осон кечади. Шундай экан, бир неча йиллардан буюн 19-оилавий поликлиника жамоаси билан биргаликда иш олиб боряпмиз. Инсон соғлиги учун биргина тиббиёт ходими эмас, балки ҳар қандай мутасадди раҳбарлар ҳам масъулдир.

Кейинги пайтларда тиббиётдаги ўзгаришлар, соҳа мутахассислари олдида катта вазифаларни қўяётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бундан кўзланган мақсад – аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб, улар соғлигини муҳофиза қилишдан иборатдир. Бу борада биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Улар билан ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриб, оила шифокори ва ҳамширасининг ўрни қанчалик муҳим эканлигини тушунтириб боряпмиз. Чунки, тиббиётдаги янги ўзгаришларни ҳар ким, ҳар қандай талқин қилиши мумкин. Ундан

ташқари, аҳолининг тиббиёт ходими меҳнатига бўлган ишончи ва тиббий маданиятини ошириш муҳим.

Маҳалламизда тузилган режа асосида тиббиёт муассасаси ходимларини тақлиф қилиб, аҳоли орасида турли мавзудаги тadbирларни ўтказамиз. Бунинг самараси шун-



**Светлана ЮСУПОВА,**  
акушер-гинеколог.

– Давлатимиз томонидан хотин-қизлар соғлигига бўлган эътибор кучайтирилмоқда. Бу албатта, соғлом оналардан соғлом фарзандларнинг дунёга келишини ўз замирида ифода этади. Шундай экан, барча соҳа вакиллари қатори акушер-гинекологлар олдида ҳам бу масала долзарб ҳисобланади.


Қабулимга бир кунда 20-25 нафар аёллар мурожаат қилиб келишади. Уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, керакли тавсия ва муолажаларни олиб бориш зарур, деб биламан. Чунки, айрим ҳолларда ҳомиладор аёллар ўзларида кечаётган кас-

лан суҳбатлар, амалий тавсиялар олиб борамиз. Аҳоли орасида эса экстрогенитал касалликларга оид чиқарилган буклетлар асосида тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштириб, қўлланма сифатида тарқатамиз.

Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, аёлларимиз ўз вақтида акушер-гинеколог кўригидан ўтиб турсалар, ҳар қандай касалликнинг олдини олиб, соғлиқлари учун қайғурсалар ёмон бўлмас эди.

даки, аҳолининг тиббиётга бўлган фикри ва муносабатини ўрганиш, тўғри баҳолайти олиш ҳамда тиббий ҳақ-хуқуқларини тўлиқ англашга қаратилган.

Улар билан биргаликда ижтимоий муҳофизага муҳтож бўлганларга ёрдам бериш чора-тадбирларини ҳам келишиб олганмиз. Уйлайманки, тиббиёт ходимлари билан олиб бораётган фаолиятларимиз узлуксиз давом этади.



## ЯКУНИЙ ХУЛОСА

Хизмат сафаримиз чоғида шу нарсга гувоҳ бўлдикки, юқорида тилга олинган тиббиёт муассасаларида «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича ишлар бошлаб юборилган. Яққасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли 23, 17 ва 19-оилавий поликлиникаларда бўлганимизда лойиҳа асосида кадрлар масаласининг яхши йўлга

қўйилганлиги ва улар томонидан лойиҳанинг нима мақсадга қаратилганлигини суҳбатимиз чоғида аёнлаб етдик. Юқоридаги тиббиёт муассасалари Тошкент шаҳри бўйича тажриба сифатида олинган бўлиб, фаолиятни бошланганлигига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу борада озми-кўпми саъй-ҳаракатлар борлигини сезиш мумкин.

Демак, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сонли Қарори асосида ушбу фаолиятларни амалга ошириш кўзланган экан, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли бошқа туман ҳудудий

тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги оилавий поликлиникаларда ҳам лойиҳа асосида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш, аҳоли жон бошига молиялаштириш ва тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалалари мутасадди раҳбарларнинг диққат-эътиборларидан четда қолмайди, деб умид билдириб қоламиз.

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».  
Директор – Расулов Нугмон Нигматуллаевич.  
700007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51,

ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.  
Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47.  
Факс: 68-25-39, E-mail: office@jpb.uz.com.uz.

Над спецвыпуском работала: И. СОАТОВА. Фото: А. НУРАТДИНОВА.

Газетанинг навбатдаги сони 2007 йил 9 январь кунини чиқади.

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ**  
**Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА**

**Таҳрир ҳайъати раиси: Феруз НАЗИРОВ**

Таҳрир ҳайъати аъзолари:  
Бобур Алимов, Гавҳар Исмолова, Омонтурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзметов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббанов, Рихси Салихўжаева, Намоз Толипов, Мария Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-ўй, 2-қavat.  
Тел/факс: 133-37-73, тел: 133-13-22.  
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь кунини рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.  
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonда soq'loqni saqlash - Zdravoohraneniye Uzbekistana» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Адади 4440 нусха. Бюроми 1-1451.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Өфсет уссуида босилган.  
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда даимларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

**Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.**  
**Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.**  
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.